

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК ИНСТИТУТИ

“ХАЛҚАРО ХУСУСИЙ ҲУҚУҚ” КАФЕДРАСИ

Халқаро ҳисоб-китоблар ва
кредит муносабатлари

Банк кафолати



мажбурият бажарилишини таъминлаш усули бўлиб, унга биноан банк, бошқа кредит муассасаси ёки суғурта ташкилоти (кафил) бошқа шахс (принципал)нинг илтимосига кўра кафил ўз зиммасига олаётган мажбурият шартларига мувофиқ принципалнинг кредитори (бенефициар) пул суммасини тўлаш ҳақида ёзма талабнома тақдим этса, пулни унга тўлаш ҳақида принципалга ёзма мажбурият беради.

Ҳисоб-китоблар жараёнини ташкил этишга нисбатан
давлатнинг икки асосий ёндашуви мавжуд


1) эркин муомаладаги
валюта билан ҳисоб-
китоблар

валюта бозорида амалда
бўлган курслар асосида ҳар бир
мамлакатнинг валютани
тартибга солиш миллий
қоидаларига мувофиқ амалга
оширилади.

2) клиринг тизими бў-
йича ҳисоб-китоблар

тарафларнинг бир-бирига
нисбатан пул талаблари ва
мажбуриятларини клиринг
ҳисоб-китоб варақлари
бўйича нақд пулсиз
ўтказмалар йўли билан
ҳисобга олиш амалга
оширилади.

Халқаро ҳисоб- китобларнинг шакллари



Халқаро хусусий ҳуқуқ нормалари билан тартибга солинадиган, маблағларни кредитор ҳисоб-китоб варағига ўтказиш тартибига, фойдаланилаётган тўлов ҳужжатларига нисбатан ўзига хос хусусиятларга эга бўлган тўлов шарти, шунингдек ҳужжат айланиши тартиб-таомиллари тушунилади.

Халқаро ҳисоб-китобларга доир ҳуқуқий муносабатлар

асосан халқаро тартибга солиш ёки халқаро-ҳуқуқий, конвенцион тартибга солиш ёинки халқаро иш муомаласи одатлари тарзида тартибга солиш соҳаси ҳисобланади.

Халқаро битимлар орасида Халқаро ўтказма векселлар ва халқаро оддий векселлар тўғрисида 1988 йилги БМТ конвенцияси, Ўтказма ва оддий вексель тўғрисидаги ягона қонун ҳақида 1930 йилги Женева конвенцияси, Ўтказма ва оддий векселлар тўғрисидаги қонунлар коллизиясини ҳал қилувчи 1930 йилги Женева конвенцияси, Чеклар тўғрисидаги ягона қонун ҳақида 1931 йилги Женева конвенцияси, Ўтказма ва оддий векселларга доир герб йиғими тўғрисида 1930 йилги Женева конвенцияси, Коносамент тўғрисидаги баъзи бир қоидаларни бир хиллаштириш ҳақида 1924 йилги Брюссель конвенцияси (1968 йилги таҳрирда), Халқаро молиявий лизинг тўғрисида 1988 йилги Конвенция, Халқаро молиявий факторинг тўғрисида 1988 йилги Конвенция бор. Шу ўринда бир хиллаштирилган халқаро қоидалар ва одатларнинг алоҳида ролини ҳам қайд этиб ўтиш лозим. Чунончи: Ҳужжатли аккредитивлар учун бир хиллаштирилган қоидалар ва одатлар (500-сон), Инкассо учун 1996 йилги бир хиллаштирилган қоидалар (522-сон), Контракт кафолатлари учун 1978 йилги бир хиллаштирилган қоидалар (325-сон), Талабнома бўйича кафолатлар учун 1992 йилги бир хиллаштирилган қоидалар (458-сон), Ҳужжатли аккредитивлар бўйича банклараро рамбурслаш учун 1996 йилги бир хиллаштирилган қоидалар (525-сон).

Правоотношения по документарному аккредитиву

Ҳужжатли аккредитив бўйича ҳисоб-китобларда иштирок этадилар:

*импортчи
(буйруқ берувчи).
У банкка
аккредитив
очишни сўраб
муружаат этади*

*аккредитив очувчи банк-
эмитент*

*экспортчи-
бенефициар.
Аккредитив унинг
фойдасига очилади*

*авизо берувчи банк. Унга
экспортчини унинг фойдасига
аккредитив очилгани ҳақида
хабардор қилиш, аккредитив
шартларини унга топшириш (унинг
ҳақиқийлигини тасдиқлаган ҳолда)
ва бенефициарга пул маблағларини
тўлаш топширилади*

Хужжатли аккредитивлар учун бир
хиллаштирилган қоидалар ва
одатлар (1993 йил таҳририда)га
мувофиқ

**Хужжатли
аккредитив
атамаси**

*банк билан банк миждози ўртасидаги битимнинг муайян
турини англатади. Ушбу битимга биноан ўз импортчи
миждози (аккредитив ҳақида буйруқ берувчи)нинг топшириғига
ва унинг йўл-йўриқларига мувофиқ ёки ўз номидан иш кўрувчи
банк-эмитент бенефициарга ёки унинг буйруғига биноан
тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади. Бунда тўлов
бенефициар аккредитивда акс эттирилган шартларни бажарган
тақдирда амалга оширилади.*

Тўлов мажбурияти деганда банкнинг бенефициар тақдим этган ўтказма векселлар (тратталар)ни акцептлаш ва сўнгра улар бўйича тўловни амалга ошириш мажбурияти тушунилади.



Аккредитив шаклидаги ҳисоб-китобларда қўлланиладиган яна бир муҳим принцип шундан иборатки, аккредитивлар билан операцияларни амалга оширишда манфаатдор тарафларнинг барчаси товарлар, хизматлар ёки муайян ҳаракатлар билан эмас, балки фақат ҳужжатлар билан иш кўради.

Аккредитивы

Аккредитив бўйича бошқа банкнинг қўшимча мажбуриятларида қуйидагилар фарқланади

тасдиқланган аккредитив

тасдиқланмаган аккредитив

Аккредитивни қайта тиклаш имконияти нуқтаи назаридан **қайта тикланадиган аккредитивлар** қўлланилади. Улар контракт қийматининг бир қисмига аккредитивдан тўлиқ фойдаланилганидан сўнг унинг дастлабки суммасини қайта тиклаш шарти билан очилади.

Аккредитивдан иккинчи бенефициарлар (бевосита товар етказиб берувчилар) фойдаланиши нуқтаи назаридан қуйидаги аккредитивлар фарқланади

ўтказиладиган

ўтказилмайдиган

Валюта қопламаси мавжудлигига қараб қуйидаги аккредитивлардан фойдаланилади

қопланган

қопланмаган



**Чақириб олинмайдиган
аккредитив**



маблағ олувчининг розилигисиз бекор қилиниши
мумкин бўлмаган аккредитив.

Бенефициар



банк кафолатидан келиб чиқадиган ҳуқуқий муносабатлар субъекти, принципалнинг кредитори бўлиб, у кафилдан кафил ўз зиммасига олаётган мажбурият шартларига мувофиқ пул суммасини тўлаш ҳақида ёзма талабнома тақдим этилса, пулни тўлаш ҳақида ёзма мажбурият беради.

Принципал



шундай бир шахски, унинг илтимосига кўра кафил банк кафолатини беради ва бунинг эвазига принципал кафилга ҳақ тўлайди.

Кафил



банк, бошқа кредит муассасаси ёки суғурта ташкилоти бўлиб, у бошқа шахснинг илтимосига кўра унинг кредитorigа банк кафолати шартларига мувофиқ пулни тўлаш ҳақида ёзма мажбурият беради.

Ушлаб қолиш



мажбурият бажарилишини таъминлаш усули бўлиб, бунда қарздорга ёки қарздор кўрсатган шахсга топширилиши лозим бўлган ашёни сақлаётган кредитор ушбу ашё ҳақини ёки у билан боғлиқ чиқимлар ва бошқа зарарни кредиторга тўлаш мажбуриятлари қарздор томонидан муддатида бажарилмаган тақдирда уни тегишли мажбурият бажарилгунга қадар ушлаб қолишга ҳақлидир.

Суброгация



ҳуқуқнинг бошқа шахсга ўтиши. У қонунга мувофиқ юзага келади ва амалга оширилган тўлов миқдорида талаб қилиш ҳуқуқи янги кредиторга ўтишидан иборат бўлади.

Инкассо бўйича ҳисоб-китоблар



банк операцияси бўлиб, унинг воситасида банк миждоз топшириғига кўра ва унинг ҳисобидан ҳисоб-китоб хужжатлари асосида тўловчидан тўловни олиш борасидаги ҳаракатларни амалга оширади.

Тўлов топшириқномаси



ҳисоб-китоб варағи эгаси (тўловчи)нинг ўзига хизмат кўрсатувчи банкка муайян пул суммасини маблағлар олувчининг мазкур ёки бошқа банкда очилган ҳисоб-китоб варағига ўтказиш тўғрисидаги ҳисоб-китоб ҳужжати билан расмийлаштирилган кўрсатмаси

Тўлов талабномаси



асосий шартнома бўйича кредитор (маблағлар олувчи)нинг қарздорга (тўловчига) маълум пул суммасини банк орқали тўлаш ҳақидаги талаби ифодаланган ҳисоб-китоб ҳужжати



Кафиллик



мажбурият бажарилишини таъминлаш усули бўлиб, бунда кафил бошқа шахс ўз мажбуриятини тўла ёки қисман бажариши учун унинг кредитори олдида жавоб беришни ўз зиммасига олади

Инкассо топшириқномаси



ҳисоб-китоб ҳужжати бўлиб, унга биноан тўловчиларнинг ҳисоб-китоб варақларидан пул маблағларини низосиз тартибда чиқариш амалга оширилади


Ҳужжатли инкассога доир ҳуқуқий муносабатлар

Инкассо ҳисоб-китобида банк экспортчининг топшириғига кўра импортчидан унинг манзилига жўнатилган товарлар учун тўловни олади ва олинган маблағларни экспортчининг ҳисобварағига ўтказди.

Бу кредитга ҳисоб-китоб қилиш шаклларида бири бўлиб, бунда товар ҳақини тўлаш товар етказиб берилганидан (жўнатилганидан) сўнг орадан маълум вақт ўтгач амалга оширилади.

Инкассо одатдаги банк операциясини ўзида ифодалайди: экспорт қилинган товарлар учун ҳисоб-китобларда ваколатли банк экспортчидан инкассо топшириғини олади, мижоз кўрсатмаларига мувофиқ иш кўради ва тўловни олиш учун тақдим этилган ҳужжатлар билан операцияларни ўтказиш мажбуриятини ўз зиммасига олади. Аккредитивдан фарқли ўлароқ, инкассо банкнинг тўлов мажбурияти билан боғлиқ эмас.

1995 йилги Инкассо тўғрисидаги бир хиллаштирилган қоидаларга мувофиқ қуйидагилар *инкассо операциясида иштирок этувчи тарафлар* ҳисобланади:



Ҳужжатли инкассо



банк операцияси бўлиб, унда банк экспортчи ва импортчи ўртасида вакил сифатида иш кўради.



Ҳужжатлар импортчига ўзаро алоқа қилувчи банклар орқали топширилади. Инкассоловчи банк инкассо топшириқномасида ифодаланган кўрсатмаларга риоя этган ҳолда тўловчига (импортчига) ҳужжатларни беради ва тўловни олгач, инкассоланган суммани экспортчининг банкига пул маблағларини экспортчининг ҳисобварағига киритиш учун ўтказди. Экспортчига пулни тўлаш ҳужжатлар юборилган инкассоловчи банкдан тўлов олинганидан кейингина амалга оширилади, яъни экспортчи пул тушишини аккредитив бўйича ҳисоб-китоблардагидан узоқроқ кутишга мажбур бўлади.

Молия ҳужжатларига

Ўтказма ва оддий векселлар, чеклар, тўлов тилхатлари киради.

Тижорат ҳужжатларига

ҳисоб-китоб варақлари, товарни жўнатиш ҳужжатлари, мулк ҳуқуқини тасдиловчи ҳужжатлар ва бошқа шунга ўхшаш ҳужжатлар киради.

Молия ҳужжатлари инкассоси “соф инкассо” деган ном олган, тижорат ҳужжатлари ва молия ҳужжатлари, илова тижорат ҳужжатлари асосида тўловни ундириш эса “ҳужжатли инкассо (тижорат инкассоси)” деб аталади.

***Аванс тўлови ва очилган ҳисоб рақами
бўйича тўловлар***

Аванс шаклидаги ҳисоб-китобларда импортчи товар жўнатишгунга қадар контракт бўйича мажбуриятларни бажариш ҳисобига тўловни тўлиқ ёки қисман амалга оширади.

Банк ўтказмаси халқаро ҳисоб-китобларнинг айниқса кенг тарқалган шакли ҳисобланади (“халқаро кредит ўтказмалари” атамаси ҳисоб ишлатилади).



Халқаро пул мажбуриятларида банк кафолатлари



Халқаро банк амалиётида кафолат деганда контрагент контракт шартларини бажармаган ёки бузган ҳолда банкнинг муайян пул суммасини тўлаш мажбурияти тушунилади.

Жаҳон савдосида кафолатларнинг тарқалиши кафолатларни шарҳлаш ва бажаришнинг ягона қоидаларини белгиловчи муайян нормаларни ишлаб чиқишни тақозо қилди.


Халқаро банк амалиётида кафолатларнинг уч тури
фарқланади:

талабга
биноан/биринчи
талабга биноан

шартли (далил-
исботсиз)
кафолатлар

шартли (ҳужжатли далиллар
билан исботланган) кафолатлар

Халқаро амалиётда банк кафолатларининг кўп сонли
типлари фарқланади.



*Кафолатлар уни берган банк мамлакатининг
қонунчилигига бўйсунди*

Бу ҳуқуқ кафолат бўйича бенефициар мамлакатининг нормалари ва қоидаларидан сезиларли даражада фарқ қилиши мумкин. Буларнинг барчаси кафил-банк бенефициар мамлакатининг кўп сонли миллий кўрсатмалари, валюта-молия амалиёти ва одатларини синчиклаб ўрганишини талаб қилади.

Халқаро ҳисоб-китобларда вексель

Халқаро ҳисоб-китобларда ҳам **оддий**, ҳам **ўтказма** векселлар (тратталар қўлланилади).

Импортчининг тўлов мажбуриятини расмийлаштирувчи оддий вексель экспортчига ташқи иқтисодий контракт имзоланганидан кейин берилиши мумкин бўлиб, бу амалда экспортчи импортчининг вексели эвазига тижорат кредити беришини англатади. Импортчининг тўлов мажбурияти вексель билан расмийлаштирилиши мумкин бўлиб, ушбу вексель экспортчига берилади ва унинг банки томонидан тегишли товарни тасарруф этиш ҳужжатлари тақдим этилиши эвазига ҳисобга олинадики, бу, юқорида айтиб ўтилганидек, аккредитив бўйича ҳисоб-китобларда қўлланилади.

Вексель тўлов воситаси сифатида амал қилади ва пул вазифасини бажариш орқали импортчига ўз харидлари учун ҳақ тўлашни кечиктириш имкониятини беради. Топшириш қайдлари амалиёти воситасида айна бир векселдан бир нечта пул мажбуриятларини бажариш учун фойдаланилиши мумкин бўлиб, бу ҳисоб-китоблар жараёнини сезиларли даражада жадаллаштиради.

Ҳисоб-китобларда фойдаланиладиган вексель 1930 йилги Женева конвенцияси билан тасдиқланган Оддий ва ўтказма вексель тўғрисидаги ягона қонунга мувофиқ *“бир шахс бошқа шахсга берган, уни берувчи шахс томонидан имзоланган ва олувчи шахсдан талабга биноан ёки келажакда кўрсатилган пайтда муайян миқдордаги пулни кўрсатилган шахсга ёки тақдим этувчига тўлашни талаб қиладиган шартсиз ёзма буйруқ”* сифатида таърифланган.

Конвенциянинг тартибга солиш предмети халқаро ўтказма
вексель ва халқаро оддий вексель ҳисобланади

ЮНСИТРАЛ Конвенцияси бўйича улар *“Халқаро ўтказма вексель”* ва *“Халқаро оддий вексель”* деб аталади. Мазкур векселлар қуйида санаб ўтилган реквизитлардан ҳеч бўлмаса икkitасига эга бўлади (бу реквизитлардан (жойлардан) ҳеч бўлмаса икkitаси турли давлатлар ҳудуди билан боғлиқ бўлиши мумкин): вексель берилган жой; вексель берувчининг имзоси ёнида кўрсатилган жой; тўловчининг номи ёнида кўрсатилган жой; олувчининг номи ёнида кўрсатилган жой; тўлов жойи. Конвенцияда вексель берилган жой ёки тўлов жойи векселда кўрсатилиши ва бу жой Конвенция иштирокчиси бўлган мамлакатда жойлашган бўлиши мумкинлиги ҳам назарда тутилган.

Вексель

Вексель –
реквизитларнинг
узил-кесил
рўйхатини ўз ичига
олган расмий
хужжат.

Ўтказма вексель қуйидагиларни ўз ичига олиши лозим:

- хужжат матнига киритилган ва бу хужжат қайси тилда тузилган бўлса, шу тилда ифодаланган “вексель” номини (*вексель белгисини*);
- маълум миқдорда пулни тўлаш ҳақидаги оддий ва шартсиз таклифни;
- тўловчининг номини;
- тўлов муддатини;
- тўлов амалга оширилиши лозим бўлган жойни;
- тўлов кимга ёки кимнинг буйруғига кўра амалга оширилиши лозимлигини (олувчи, ремитент номини);
- вексель тузилган жой ва санани;
- векселни берувчининг имзосини.

Оддий вексель ҳам шунга ўхшаш реквизитларга эга бўлади. Оддий вексель бўйича вексель берувчи ўтказма вексель бўйича акцептчи билан айти бир мажбуриятларни ўз бўйнига олади.

ВЕКСЕЛЬ

Оддий вексель

вексель берувчи (қарздор)нинг ёзма шаклда амалга оширилган ва ҳеч қандай шарт билан боғланмаган мажбурияти бўлиб, маълум миқдорда пулни қайд этилган муайян муддатда ва белгиланган жойда векселни сақловчига ёки у кўрсатган шахсга тўлашни назарда тутди.

Ўтказма вексель (тратта)

ёзма ҳужжат бўлиб, вексель берувчи (қарздор)нинг тўловчига маълум миқдорда пулни қайд этилган муайян муддатди ва белгиланган жойда векселни сақловчига ёки у кўрсатган шахсга тўлаш ҳақидаги ҳеч қандай шарт билан боғланмаган буйруғини ўзида ифодалайди. Ўтказма векселни берувчи шахс *трассант* деган ном олган. Ўтказма векселда номи кўрсатилган ва вексель бўйича тўловни амалга ошириши лозим бўлган шахс *трассат* деб, вексель бўйича пулни олиши лозим бўлган шахс эса – *ремитент* деб аталади.

Индоссамент (ўтказишга доир махсус ёзув)



Вексель бўйича мажбур ёки мажбур бўлмаган ҳар қандай шахс фойдасига бажарилиши мумкин. Шаклан у оддий ва ҳеч қандай шарт билан боғланмаган бўлиши лозим. Уни чекловчи ҳар қандай шарт ёзилмаган ҳисобланади.




Индоссамент *номи кўрсатилган* ва *бланкали* бўлади. *Номи кўрсатилган* индоссаментда вексель кимнинг фойдасига ўтказилаётган бўлса, шу шахснинг номи аниқ кўрсатилади; *бланкали* индоссамент фақат индоссант имзосидан иборат бўлади. Индоссамент векселнинг орқа томонида ёки “аллонж” деб аталадиган қўшимча варақда жойлаштирилади. *Индоссамент ўзининг* векселдан келиб чиқувчи барча ҳуқуқлари ва мажбуриятларини индоссантдан, яъни индоссаментни тузаётган шахсдан *индоссаторга*, яъни индоссамент кимнинг фойдасига тузилаётган бўлса, шу шахсга ўтказди.

Вексель нормаларида махсус *вексель кафиллиги* — *аваль* назарда тутилган бўлиб, унинг воситасида вексель бўйича тўлов (тўла ёки қисман) кафолатланади.

Аваль вексель бўйича жавобгар бўлган ҳар қандай шахс учун берилиши мумкин. Аваль ким учун берилаётгани кўрсатилган бўлмаса, у вексель сақловчи учун берилган деб ҳисобланади.

Авалчи у авални қайси шахс учун берган бўлса, шу шахс билан тенг ҳажмда жавобгар бўлади. Авалчи вексель бўйича тўловни амалга оширгач, векселдан келиб чиқувчи ҳуқуқларни у қайси шахслар учун кафиллик берган бўлса, шу шахсларга нисбатан ва векселга кўра мазкур кафиллик берилган шахслар олдида мажбуриятга эга бўлган шахсларга қарши ҳуқуқларга эга бўлади.

Вексель куйидаги муддатларга берилиши мумкин:



Тақдим этилгунга қадар берилган векселлар бўйича тўлов улар тақдим этилганидан сўнг амалга оширилади ва улар тузилган санадан эътиборан бир йил мобайнида тўлов учун тақдим этилиши мумкин. Векселни сақловчи мазкур талабга қатъий риоя этиши лозим, чунки векселни тўлов учун тақдим этиш муддати ўтказиб юборганлик у бўйича мажбуриятга эга бўлган барча шахсларни (трассатдан ташқари) озод қилади. Векселни сақловчи белгиланган кунда ёки вексель тузилганидан ёки тақдим этилганидан сўнг маълум вақт ўтгач, векселни тўлов учун ё тўлов амалга оширилиши лозим бўлган кунда, ё кейинги икки иш кунларидан бирида тақдим этиши лозим. Вексель бўйича тегишли тўлов амалга оширилганлиги вексель бўйича барча мажбуриятлар қопланишига сабаб бўлади.

Даъво талаблари



Векселдан келиб чиқадиган акцептчига қарши даъво талаблари тўлов муддати санасидан уч йил ўтгач бекор бўлади.

Векселни сақловчининг индоссантлар ва трассантга қарши даъво талаблари белгиланган муддатда келтирилган протест санасидан бир йил ўтгач бекор бўлади. Индоссантларнинг бирига ва трассантга даъво талаблари индоссант вексель бўйича тўловни амалга оширган санадан ёки унга даъво талаблари қўйилган санадан олти ой ўтгач бекор бўлади.

Халқаро ҳисоб-китобларда чек

Халқаро ҳисоб-китобларда (вексель билан бир қаторда) кенг тарқалган бошқа бир қимматли қоғоз чек ҳисобланади. Чек аниқ белгиланган шаклдаги пул ҳужжатларига киради ва банк ҳисобварағи эгасининг (чек берувчининг) банкка чекни сақловчига унда белгиланган пул суммасини чек тақдим этилганидан сўнг ёки қонун ҳужжатларида белгиланган муддат мобайнида тўлаш ҳақидаги буйруғини ўзида ифодалайди.

Халқаро ҳисоб-китобларда чеклардан фойдаланиш масалаларини тартибга солувчи ҳуқуқий нормалар 1931 йилда қуйидаги халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларни имзолаш орқали бир хиллаштирилган: Чеклар тўғрисида ягона қонун ҳақидаги Женева конвенцияси; Чеклар тўғрисидаги қонунларнинг баъзи бир коллизияларини ечишга қаратилган Женева конвенцияси.

Чек

Чек айланма ҳужжатлар туркумига киради, яъни чек бўйича ҳуқуқларни бошқа шахсга ўтказиш учун цессия талаб этилмайди, улар чекнинг орқа томонига қўйиладиган ўтказишга доир махсус ёзув — индоссамент воситасида ўтказилиши мумкин.

Чек бўйича тўлов чек бўйича тўловчидан ташқари бошқа ҳар қандай шахс томонидан кафолатланиши мумкин.

Кафолат “аваль”, “кафолатланган” сўзлари билан ифодаланади ва тўлов учун жавобгарликни ўз зиммасига олган шахс – авалчининг имзоси билан тасдиқланади. Аваль кафиллик билан айтиб бериш қоидалар ёрдамида тартибга солинади, яъни бу ерда гап чек воситасида кафиллик ҳақида боради.

Адабиётлар рўйхати:

1. Халқаро хусусий ҳуқуқ. Олий ўқув юртлари учун дарслик. /Ҳ.Р.Раҳмонкулов ва бошқ. /Ҳ.Б.Бобоев, М.Х.Рустамбоев, О.Оқюлов, А.Р.Раҳмановларнинг умумий таҳрири остида. — Т: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 2002.
2. О.Т.Хазраткулов. Халқаро хусусий ҳуқуқ: ўқув услубий комплекс. Т., 2010.
3. О.Т.Хазраткулов. Халқаро молиявий лизинг: ўқув қўлланма. Т., 2010.
4. Богуславский М.М. Международное частное право. М., 2010.
5. Л.П. Ануфриева. Международное частное право. М., 2000.
6. Л. А. Лунц. Курс международного частного права. М., 2002.
7. Г.К.Дмитриева. Международное частное право. М., 2002.
8. Международное частное право: Учебник для вузов/ Под редакцией доктора юридических наук Н.И. Марышевой. — М.: Юридическая фирма «КОНТРАКТ», «ИНФРА-М», 2000.